

## **“ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ” НАТИЖАСИ**

Сувлиарىк МФЙда 4700 нафар аҳоли яшайди. Сүнгги йилларда одамларнинг турмуш даражаси яхшиланиш билан бирга маҳалла кўчаларининг инфратузилмаси ҳам ободлашмоқда.

Бунга биргина мисол, Чашма, Эҳтиром, Аҳиллик кўчалари анча йиллардан буён талаб даражасида эмас, ёзда чанг, қишида лой, нотекис эди.

-Маҳалламиз аҳли ушбу кўчаларни обод қилиш йўлида “Ташаббусли бюджет” портали орқали 2500 та овоз йиғиб, ғолиб бўлдик, - дейди МФЙ раиси Муқимжон Мирзақулов. – 1 миллиард 200 миллион сўм эвазига кўчаларимизнинг 3,7 км қисми шағаллаштирилиб, асфальтлашга тайёр. Келгуси ҳафтада асфальтлаш бошланади.

Маҳаллада бўлганимизда юртдошларимизнинг кайфиятидан шуни англадикки, барчалари ҳозирда туманимизда олиб борилаётган ишлардан мамнун. Маҳалла фаоллари бу ишларни устида турган барчани дуо қилишди.

**ЁЗЁВОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ**

2023-03-09 16:31:45